Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 29 октябрь, № 210 (5377) Шанба

ЖАҲОН БОЗОРИДА ХАРИДОРГИР

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб тобора ошиб бормоқда.

Бугун юртимиздаги тинчлик-осойишталик, барқарор ривожланиш суръатлари, босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг юксак самараси ҳақли равишда дунё эътибори ва эътирофига сазовор бўлмоқда. Бинобарин, ана шундай шароитда Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритиб, мамлакатимиз ишбилармонлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш истагидаги хорижлик инвесторлар сафи ҳам тобора кенгайиб бораётир. Пировардида юртимизда маҳсулотларнинг янгидан-янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, кўплаб қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилаяпти.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Ўз навбатида, ички бозор эҳтиёжларидан ортган рақобатбардош маҳсулотлар “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган ёрлиқ билан экспортга жўнатилмоқда.

Сирдарё туманининг Ҳақиқат қишлоғидаги “PENG SHENG” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолияти ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Керамик плиталар ва пойабзал ишлаб чиқаришга ҳамда қорамол терисини қайта ишлашга ихтисослаштирилган мазкур кўп тармоқли мажмуа қурилиши 2009 йил июль ойида бошланган эди. 36,7 гектар майдонни ўз ичига олган ушбу корхонани қуриш ҳамда замонавий технологиялар билан жиҳозлаш учун 27 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя ажратилди. Натижада Хитойдан илғор дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилиб, ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошлаб дастлаб 2 ўлчамдаги бежирим кафель қопламалари тайёрлашга киришилди. Бунинг учун 270 нафар маҳаллий йигит-қиз ва 40 нафар хитойлик мутахассис ишга жалб қилинди. Иш уч навбатда ташкил этилиб, бир кеча-кундузда 10 минг квадрат метр кафель плиталари тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни кунга қадар бу ерда 2 миллион 800 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички ва ташқи бозорда сотилди. Заводдаги барча жараёнлар автоматлаштирилганлиги боис ишлаб чиқариш жараёни бир маромда кечмоқда.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: цех ишчилари Майсара Нарзуллаева ва Умида Равшанова.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Наманган вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги юксак савияда, кўтаринки руҳда кенг нишонланди. Юртимизда истиқлол йилларида кўлами, мазмун-моҳиятига кўра юз йилларга арзигулик ютуқлар қўлга киритилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида танланган мустақил тараққиёт йўлимиз ҳамда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ривожланишнинг “ўзбек модели” нақадар тўғри эканлигини бугун дунё эътироф этмоқда.

Мустақилликка эришиш, собиқ тузум даврида тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш, ўтиш даврида одамларни истиқлол ғояларига ишонтириш, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини, эришаётган ютуқларини кўролмайдиган турли қабиҳ кучларнинг таҳдидларига қарши туриш осон кечмади, албатта. Ушбу мураккаб йўлни муваффақиятли босиб ўтишда давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб, босиқлик, вазминлик, жасорат ва матонат билан юритган оқилона сиёсати ҳал қилувчи омил бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ТОКИОДАГИ ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИДА

Токиода «JATA Tourism Forum & Travel Showcase 2011» деб номланган халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди.

Япония ҳукумати кўмагида “JATA” сайёҳлик агентликлари ассоциацияси томонидан ташкил этилган мазкур кўргазмада жаҳоннинг 144 мамлакатидан 700 дан зиёд компания ва ташкилот қатнашди. “JATA Tourism Forum & Travel Showcase 2011” халқаро сайёҳлик кўргазмасида мамлакатимиз ҳам муносиб иштирок этди.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистоннинг замонавий сайёҳлик инфратузилмаси хусусидаги атрофлича маълумотлар, халқ амалий санъати, гўзалликда бетакрор ўзбек ҳунармандчилиги маҳсулотлари, шунингдек, мамлакатимизнинг бой меъморчилик меросини намойиш этувчи Самарқанд, Хива, Бухоро, Тошкент сингари кўҳна ва навқирон шаҳарларимиз бағридаги ноёб осориатиқалар акс эттирилган рангбаранг фотосуратлар кўргазма пештахталаридан жой олди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон вакилларининг қатор хорижий мамлакатлар туроператорлари билан амалий учрашув ва музокаралари ҳам бўлиб ўтди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон компаниялари намойиш қилган сайёҳлик маҳсулотлари, шунингдек, республикамиз сайёҳлик салоҳияти тақдимоти кўргазма меҳмонларида катта таассурот қолдирди. Уларнинг айримлари “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Японияда “Intourist Japan” сайёҳлик компанияси менежери Масахико Нишитай японияликларда Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга чиқиш истаги ҳамиша кучли бўлгани ва бу қизиқиш тобора ошиб бораётганини айтди. У, шунингдек, айни пайтда Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари, ўзбек халқининг бой маданияти ва анъаналари билан таништириш мақсадида “Intourist Japan” ва “Nokyo Kanko” сайёҳлик компаниялари ўзаро ҳамкорликда янги сайёҳлик йўналишини ишлаб чиқаётганини маълум қилди.

“AJT Inc.” япон сайёҳлик компаниясининг маркетинг ишлари бўйича менежери Акане Масаока ушбу халқаро кўргазма доирасида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк Ипак йўли мавзуига бағишланган симпозиуми ҳам бўлиб ўтганини айтди. Японияда “Ўзбектуризм” Миллий компаниясини намоён этувчи мазкур “AJT Inc.” компанияси ҳам ушбу кўргазма доирасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини тақдим қилди. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон сайёҳлик фирмаларининг мазкур тадбирда фаол иштирок этаётгани хорижий мамлакатлардаги турдош компаниялар билан янги амалий алоқаларни ўрнатиш имконини берди.

(Давоми 3-бетда).

Кеча Тошкентда “Ўзбекистон: БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича конференцияси сари — “Рио + 20” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЭКОЛОГИЯ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан Иқтисодиёт вазирлиги, иқтисодий тадқиқотлар маркази ва БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси кўмагида ташкил этилган мазкур анжуман 2012 йил Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтадиган “Рио + 20” конференциясига тайёргарлик тадбирлари доирасида уюштирилди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, соҳа мутахассислари ва олимлар иштирок этди.

Ташаббус

Таъкидландики, мана, 20 йилдан буён, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш масалалари халқаро ҳамжамият диққат-эътиборида турибди. Бунга илк бор БМТ томонидан 1992 йили Бразилияда ўтказилган халқаро конференцияда кенг жамоатчиликнинг эътибори қаратилган эди. Орадан 10 йил ўтиб, Йоханнесбургда ўтказилган тадбир ҳам худди шу масалага бағишланди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, кейинги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш мақсадида табиий ресурсларни ҳаддан зиёд кўп ўзлаштириш пайидан бўлинаяпти. Саноат корхоналарининг кўпайиши, айниқса, атроф-муҳитга чиқарилаётган заҳарли ташламаларнинг ортишига олиб келаётгани ачинарлидир. Шу боис дунё экологлари барқарор ривожланиш, яъни табиий бойликлардан ўз ўрнида фойдаланиш, саноатда атроф-муҳитга безарар технологияларни жорий этиш орқали келажак авлодга мусаффо борлиқни қолдириш ғоясини илгари суришмоқда.

Эътиборлиси, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб табиат муҳофазаси масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база — 15 та қонун, 30 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани, 12 та халқаро конвенция ратификациялаштирилгани бунинг яққол далилидир.

Хусусан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 1998 йилда ишлаб чиқилган Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича миллий ҳаракат дастури барқарор ривожланиш сари қўйилган муҳим қадам бўлди. Кўп босқичли ушбу дастур доирасида ҳаётга жорий этилаётган лойиҳалар юксак самаралар бераётгани аҳамиятлидир. Масалан, атмосферага автоуловлардан чиқариладиган зарарли моддалар 5 фоизгача, саноат корхоналарининг ташламалари қарийб 2 баробарга камайган бўлса, саноатда озонни емирувчи моддалардан деярли фойдаланилмаяпти. Бунга иқтисодиёт тармоқлари техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилинаётгани, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жорий этилаётгани, автомобиллар босқичма-босқич экологик тоза ёнилғига ўтказилаётгани туфайли эришилди.

(Давоми 2-бетда).

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам ёрқин намоён бўлаяпти. Бугунги кунга келиб, оммавий ахборот воситалари юртимизнинг ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва уни бевосита ҳаётга татбиқ этишнинг таъсирчан омилига айланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Юртбошимиз мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида шу даврга қадар амалга оширилган ишларни танқидий баҳолар экан, оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф этиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Зеро, ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари фаолиятида сезиларли даражада юксалиш кузатилмоқда. Бугун у юртимизда шаклланаётган ҳуқуқий фуқаролик жамиятининг мустақил тузилмасига айланиб улгурди.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Концепцияда таклиф этилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қарорларининг ижро сифати ҳамда самарадорлиги ошишини кафолатлайди.

Зеро, аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимликлар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, шу ҳисобда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига дахлдор бўлган қарорлардан ўз вақтида хабардор бўлиши тўғрисидаги нормаларнинг акс этиши янги қонуннинг муҳим жиҳатларидандир. Бу, ўз навбатида, аҳолининг ҳуқуқий савияси юксалишига, жамият равнақига сабаб бўлади, ҳуқуқий-демократик давлат пойдеворини мустаҳкамлайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида ОАВ вакилларини аккредитация қилиш ҳамда давлат органларининг веб-сайтда ахборотни жойлаштириш тартиби, ахборотга қўйилган талаблар ҳақидаги қоидаларнинг қонун лойиҳасига киритилиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ахборотни тақдим этиш юзасидан мутасадди ташкилотларнинг мажбуриятлари ва ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари аниқ белгиланиши ҳам соҳа ривожида муҳим ўрин тутади.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ОАВ ходимлари ҳамда давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди, журналистларнинг ахборот олиши, тўплаши ва тарқатишига оид ҳуқуқий механизмларнинг такомиллашувига кўмаклашади. Фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида холис, тезкор ҳамда тўла-тўкис маълумотга эга бўлишини

(Давоми 2-бетда).

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ УЙҒУНЛИГИ

саноатчиларимиз ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида V Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ишчан руҳда давом этмоқда. Ўзига хос йирик иқтисодий форумга айланган мазкур тадбир доирасида етакчи саноат тармоқлари, ишлаб чиқарувчилар, соҳага дахлдор ташкилот ва институтларнинг тақдимот маросимлари уюштирилаётгани, айниқса, унинг самарали ўтишини таъминлаяпти.

Хусусан, ярмарканинг тўртинчи кунида “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси, “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси, “Ўзкоммунхизмат”, Автомобиль ва дарё транспорти агентликлари, шунингдек, Тошкент шаҳри, Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг тақдимот маросимлари ташкил этилди.

Айтиш жоизки, юртимизда рақобатбардош, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш, корхоналар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадларини кўзда тутувчи ушбу ярмаркада иштирокчилар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни тўла амалга оширмоқдалар. Стендларда корхоналар томонидан янги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кенг намойиш этилиб, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилгани иштирокчиларга бир-бири билан бевосита амалий музокаралар ўтказиш, тижорат алоқаларини ўрнатиш имконини бераяпти.

Шу билан бирга, ташкилотчилар томонидан Ўзбекистонда янги, импорт ўрнини босувчи ва маҳаллийлаштирилган 9,5 мингдан зиёд маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирган 1400 та корхона тўғрисида маълумот берувчи “Саноат маҳсулотлари каталоги” тўплами тайёрланган ҳам бу борадаги ишларни жадаллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

«Art Week Style.UZ — 2011»

МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА ИЖОД БАЙРАМИ

Пойтахтимизда “Art Week Style.UZ — 2011” тадбирининг мода ва дизайн йўналишидаги дастурлари якунланди.

Эътироф этиш жоизки, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу нуфузли тадбир миллий санъатимиз ютуқлари, бебаҳо анъана ва қадриятларимизни жаҳон миқёсида намоён этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Санъат ҳафталиги доирасидаги маданий тадбирларда кўплаб хорижлик ижодкорлар, фэйшн саноатининг таниқли вакиллари, санъатшунослар, фотомухбир ва журналистлар алоҳида қизиқиш билан иштирок этганлиги бунинг ёрқин тасдиғидир. Қолаверса, халқаро доирадаги мутахассисларнинг эътироф этишича, “Art Week Style.UZ” тадбири ранг-баранг дастурлари, истеъдодли ижодкорларни муносиб рағбатлантиришга қаратилган танлов ҳамда фестиваллари билан тобора оммавийлик касб этиб бормоқда.

Тадбирнинг Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган Бош дефилеси ва тантанали ёпилиш маросимида сўз олганлар юксак савияда ташкил этилган мазкур санъат

(Давоми 4-бетда).

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

таъминлайди. Шунингдек, ахборот хизматлари ҳамда медиатузилмалари ишининг таъсирчанлигини оширади, фуқароларнинг давлат ва жамият қурилиши жараёнларидаги иштироки фаоллашуви, бу органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати учун барча зарур шароитларни яратиб беради. Қолаверса, ОАВ билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги алоқаларнинг ҳар жиҳатдан мустаҳкамланиши медиамаконни тезкор ҳамда мукаммал ахборот билан тўлдириш имкониятларини янада кенгайтиради, ушбу маълумотдан барча матбуот воситаларининг эркин фойдалана олиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Умуман, Концепциядаги қонунчилик ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш миллий ОАВнинг сифати ва таъсирчанлигини кучайтириш имконини беради. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш орқали фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Хулоса ўрнида айтганда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш, аҳолини мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар натижаларидан мунтазам хабардор қилиб бориш ҳаётий эҳтиёждир. Концепцияда бу борада белгиланган қонунчилик ташаббуслари ҳамда уларни амалга ошириш бўйича бошланган кенг қамровли тадбирлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим кафолатидир.

Ғафуржон МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан қонун лойиҳаларида норматив-ҳуқуқий атамаларни қўллаш ва юридик расмийлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, мутахассислар иштирок этди.

МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Тадбирда юртимизда мукаммал қонунчилик пойдеворини яратиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисларидаги маърузаларида илгари сурилган ғоя ва таклифларнинг ҳаётий рўёби бу борадаги самарадорликни янги босқичга олиб чиқишда ғоятда муҳим аҳамият касб этади.

— Мамлакатимизда тараққиётнинг бугунги босқичи талаблари асосида Конституция ва қонунларимизни такомиллаштириш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминловчи ҳуқуқий-меъёрий асосларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди қўмита раиси Н. Исмоилов. — Буни истиқлол йилларида қонунчилик жараёнини амалга оширишни таъминловчи “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, Конституциямизнинг 83-моддасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгалиги ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Тадбирда қуйи палатага киритиладиган қонун лойиҳалари ва юқори палатага тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидаларини қўллаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг қўшма қарори билан тасдиқланган айтиб ўтилди.

— Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тузилган норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси самарали фаолият юритиб келмоқда, — деди қўмита аъзоси О. Ахунова. — Бу эса қонун лойиҳаларини расмийлаштириш ва қонунчилик техникаси воситалари, қоидалари ҳамда усулларидан фойдаланишда бир хилликка риоя этиш орқали қонунларнинг юқори сифатини таъминлашда айни муддао бўлмоқда.

Давра суҳбатида норматив-ҳуқуқий атамаларни амалиётда тўғри ва асосли қўллаш, айни чоғда қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасига киритишда юридик жиҳатдан расмийлаштиришни такомиллаштириш давр талаби эканлигига урғу берилди.

— Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда ҳуқуқий механизмларни модернизация қилиш салмоқли роль ўйнади, — деди қўмита аъзоси Ж. Бобоев. — Табиийки, бунга қабул қилинаётган қонунлар сифатини тубдан яхшилаш, қонунларда тафовутлар, такрорланишларга йўл қўймаслик, бошқа ҳужжатларга ҳавола этиш ҳолатларини камайтириш, қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ қилинишини таъминлайдиган процессуал механизмларга эътиборни янада кучайтириш асосида эришилади.

Тадбирда қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларда норматив-ҳуқуқий атамаларни қўллашда иштирок этадиган мутахассисларнинг ўзаро тажриба алмашиши, амалиётчилар, тилшунос олимлар ҳамда соҳанинг бошқа вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Саиджон МАХСУМОВ.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шаҳар ва туман ҳокимликларининг ижтимоий соҳалар бўйича масъул ходимлари, вилоятда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг муҳаррирлари, олимлар, ёзувчилар ҳамда жамоатчилик фаоллари иштирок этган тадбирда ана шулар ҳақида сўз юритилди. Халқимиз, айниқса, ёш авлод ана шу залворли тарихдан теран хабардор бўлиши зарурлиги таъкидланди. Зеро, бу кишилар қалбида мустақил Ватаннинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш, янада обод қилиш туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Бунда Юртбошимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Президентимизнинг янги китоби мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда ўрганиш бўйича тарғибот тадбирларини изчил йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

А. САТТОРОВ,
ЎзА мухбири.

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ЎЙҒУНЛИГИ

саноатчиларимиз ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ишлаб чиқариш қувватларининг техник ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани “Ўзкоммунхизмат” агентлиги тизимидаги ўзгаришларда, айниқса, кўзга яққол ташланади. Масалан, ҳозирги кунда қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржойлар барпо этилаётгани барчамизга маълум. Бу эса, ўз навбатида, мазкур ҳудудларда замонавий коммуникация тизимларини жорий қилишни, бошқача айтганда, қишлоқ инфратузилмасини янада яхшилашни тақозо этмоқда.

— Биз таклиф қилаётган турли хил электр энергиясини ўлчаш асбоблари ва электр двигателларидан айни шу жараёнларда, умуман, саноатда кенг фойдаланиш мумкин, — дейди “Elektromotors Aziya” МЧЖ тижорат директори Шавкат Изамов. — Ҳозиргача “Elholding”, “Sino”, “Оҳангароншифер” сингари корхоналар билан алоқалар ўрнатган эдик, ярмарка давомида эса янги ҳамкорлар билан шартномалар тузяяпмиз.

Бугунги кунда “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик компанияси тасарруфидаги корхоналар томонидан йилига ўртача 292 минг тонна калава ип, 158 миллион квадрат метр ип газлама, 56 минг тонна трикотаж мато, 168 миллион дона тайёр трикотаж буюмлари, 26 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилаяпти. Ўтган йили компания томонидан қиймати 600 миллион АҚШ долларидан ортиқ товарлар экспортга чиқарилган бўлса, жорий йилда 800 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга сотилиши кутилмоқда.

“Ўздонмаҳсулот” давлат акциядорлик компаниясининг 40 дан зиёд корхона ҳамда 200 дан ортиқ дон қабул қилиш шохобчалари эса давлат эҳтиёжи учун сотиб олинган дон ва уруғликни жойлаштириш, сақлаш, истеъмолчиларга юқори сифатли ун, нон, ёрма, омихта ем сингари маҳсулотлар етказиб бериш билан шуғулланмоқда.

Кейинги йилларда дон етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорликнинг такомиллаштирилиши, мавжуд корхоналарнинг модернизация қилиниши туфайли соҳада юқори самарадорликка эришилаётир. Жорий йилда Навоий, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида янги дон сақлаш омборхоналари қурилгани, айни пайтда тизим корхоналари тегирмонларининг тўқсон фоизи барча турдаги ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятига эгалиги ва бу жараёнда унни бойитишга катта эътибор қаратилаётгани ана шундан далолат беради.

“Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси корхоналарида эса жорий йилнинг тўққиз ойи ичида қирққа яқин янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди. Бунда мазкур тизимда фаолият юритувчи корхоналар, хусусан, терини қайта ишлашга мўлжалланган 36 та, пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 26 та, кўнатторлик маҳсулотлари тайёрловчи 2 та ҳамда сунъий тери ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган битта корхонанинг замон талабларига мос равишда жиҳозлангани, айниқса, қўл келмоқда.

V Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси шулар ҳақида тўлиқ маълумот бериш билан бирга, саноатчиларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабарлар

Оҳангарон туманидаги “Астин Мартин сервис” масъулияти чекланган жамиятида йилига 3 миллион дона пишиқ ғишт тайёрлаш имконияти яратилди.

Олтинчи йирик лойиҳа

Гап шундаки, яқинда корхонада ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш лойиҳаси амалга оширилиб, юқори унум билан ишлайдиган замонавий айланма печь ҳамда тежамкор қуритиш камераси ўрнатилди. Бунинг учун корхонанинг ўз маблағидан ташқари, банкнинг 150 миллион сўмлик кредитидан фойдаланилди.

Бу жорий йил туманда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича амалга оширилган олтинчи йирик лойиҳадир.

Ёшлар учун 500 иш ўрни

Тошкент вилоятида жорий йилнинг тўққиз ойида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 56 та янги корхона фаолияти йўлга қўйилди.

Жумладан, Ангрен шаҳридаги “Жайрон” хусусий фирмаси негизида ташкил этилган нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ҳам ана шулар сирасидан. Корхонани қуриш ва замонавий технологиялар билан жиҳозлаш учун 204 миллион сўм сарфланди. 10 га яқин мутахассислар ишга жалб этилди.

Умуман, шаҳарда йил бошидан буён фаолият бошлаган янги корхоналарда 500 нафардан зиёд маҳаллий ёшларнинг иш билан бандлиги таъминланди.

Истеъмолчилар мамнун

Бекобод шаҳридаги “Ниҳол қурилиш савдо” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ.

Шунга қарамай, мазкур тадбиркорлик субъекти томонидан ички бозорга чиқарилаётган сифатли қурилиш маҳсулотлари харидорлар эътиборига тушиб улгурди. Яқиндан бошлаб жамиятда пластик эшик ва дераза ромлари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Қўшимча 6 кишининг бандлиги таъминланган цехга 51 миллион сўмлик замонавий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Пировардида йилига 10 минг квадрат метргача сифатли эшик ва дераза ромлари тайёрлаш имкони яратилди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН БОЗОРИДА ХАРИДОРГИР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мен Сирдарё тумани саноат касб-ҳунар коллежини битириб, шу ерга ишга келдим, — дейди Исомиддин Имомов. — Корхонамиз ишчилари, асосан, ёшлардан иборат. Маошимиз яхши. Ишчилар учун бепул транспорт қатнови йўлга қўйилган. Барча қулайликлар муҳайё.

Корхона менежери Равшан Раҳматовнинг таъкидлашича, биргина жорий йилнинг ўзида кўп тармоқли корхонага 300 нафарга яқин коллеж битирувчиси ишга қабул қилинган.

Пойабзал цехида ҳам иш конвейер усулида ташкил этилган экан.

— Бу ерда эркаклар учун мўлжалланган салкам 100 хил кўринишдаги турли оёқ кийимлари тикилмоқда, — дейди пойабзал цехи директори Лу Бинь Вэ. — 100 нафардан зиёд ёшларни иш билан таъминлаганмиз. Шу кунгача 60 минг жуфт пойабзал тайёрлаб, маҳсулотнинг тенг ярмини ички бозорга, қолган қисмини хорижга чиқардик. Хом ашё — сунъий чарм эса Хитойдан олиб келинмоқда.

Айни пайтда қўшма корхонада бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилаётир. Бу ерда қад ростлаган, йилига 600 минг дона қорамол терисини қайта ишлаш қувватига эга цехга асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етгач, корхона фаолияти янада кенгайиши баробарида, хом ашёни шу ернинг ўзида тайёрлаш, ортиқча сарф-харажатларни тежаш ҳамда маҳсулотлар турини кўпайтириш имконияти юзага келади.

Умуман, корхонада жорий йилнинг ўтган даврида 22 миллиард 36 миллион сўмлик кафель қопламалари, 600 миллион сўмлик пойабзал ишлаб чиқарилиб, уларнинг бир қисми экспортга йўналтирилди. Қурилиш ишларининг биринчи босқичи ниҳоясига етгач, бу ерда тайёрланаётган кафель миқдори йилига 4 миллион квадрат метрга, табиий чармдан тайёрланган пойабзаллар эса 300 минг жуфтга етади. Шунингдек, 600 минг дона қорамол териси қайта ишланади.

СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа.

— Сирдарёда бугун 39 та қўшма корхона фаолият юритмоқда, — дейди вилоят иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Холбоев. — Хусусан, “PENG SHENG”, “Jmp internasional”, “Sarruna tekstilles”, “Мили Гулистон”, “Мос-Янтекс”, “Кармента Янтекс” каби қўшма корхоналарнинг экспорт салоҳияти йилдан-йилга ошиб бораётир. Ўтган даврда улар томонидан 17 миллион 156 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амалиётлари бажарилди. Жорий йилда эса “Code farm”, “Барака Текс”, “Бахттекстилфарм” каби қўшма корхоналар ташкил этилди. Бундан ташқари, 9 та маҳаллий корхонада экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси вилоят иқтисодиёти тобора юксалиб, аҳоли турмуш фаровонлиги янада яхшиланаётганидан далолатдир.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

ЭКОЛОГИЯ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давра суҳбатида сўзга чиққан табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н. Умаров, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари А. Нироди ва бошқалар Ўзбекистонда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, камёб турларни кўпайтириш бўйича муайян ютуқлар қўлга киритилганини алоҳида эътироф этдилар.

Дарҳақиқат, республикамизда 8 та қўриқхона, 10 та буюртмахона, 2 та миллий боғ, 3 та махсус питомник ташкил этилган бўлиб, уларда йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот турлари табиий ҳолда кўпайтирилмоқда. Бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида эса кейинги 3 йилда давлат муҳофазасига олинган майдонлар ҳудуди 70 минг гектарга кенгайтирилгани, “Бадай-тўқай” қўриқхонаси негизида “Қуйи Амударё” биосфера резервати барпо этилгани диққатга сазовор.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда барқарор ривожланишга қаратилган изчил чора-тадбирлар самараларини юқори баҳоладилар. Айниқса, келгуси йил ўтказиладиган халқаро анжуманда муҳокама қилинадиган “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар барчада бирдек қизиқиш уйғотди. Зотан, юртимизда атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган ислоҳотлар ўзида иқтисодий, ижтимоий ва экологик тараққиётни мужассам этгани билан алоҳида эътиборга моликдир.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қулайлик

Сув таъминоти яхшиланаяпти

Ҳазорасп туманидаги Карвак, Янгибозор, Овшар, Мухомон қишлоқларига қувур тортилиб, тоза ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланди.

Жорий йилда вилоятда ушбу мақсадлар учун 2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, 22 та қишлоққа ичимлик суви тармоғи тортилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОЙИТИЛГАН МАҲСУЛОТ

инсон саломатлиги гаровидир

Инсон саломатлиги кундалик истеъмол маҳсулотларининг сифати, уларнинг турли микроэлементларга бойлиги билан ҳам боғлиқ. Шу боис озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишда улар ёрлиғига туширилган товар таркибини акс эттирувчи ёзувни кўздан кечиришга одатланганмиз. Қуввати, яроқлилик муддати, сифат сертификатини текширамиз, ишлаб чиқарувчисини суриштирамиз. Шундан кейин харидимиздан кўнглимиз тўлади.

Қонун ва ижро

Нон — ҳар бир хонадонда севиб ва энг кўп истеъмол қилинадиган неъмат. Шу боис унинг сифатини ошириш, хом ашё, яъни ун таркибини бойитиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги ҳамда “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги қонунлари бу борада дастуриламал бўлаётир. Натижада аҳоли ўртасида учрайдиган камқонлик, бўқоқ каби хасталикларнинг олдини олишга эришилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами кенг. Минтақада асосий истеъмол маҳсулотлари — ун ва ош тузининг талаб даражасида бўлиши доимий равишда назорат қилиб борилаётир. Жумладан, бойитилган ун ҳамда йодланган ош тузи ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ижроси изчил таъминланаяпти.

— Микронутриентлар инсон организмининг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган муҳим озиқ-овқат моддаларидир, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Санитария-эпидемиология назорат марказининг Овқатланиш гигиенаси бўлими мудири Дўсимбат Ўрозимбетов. — Эътиборлиси, уларнинг ўрнини бошқа воситалар тўлиқ боса олмайди. Шу сабабли микронутриентлар билан бойитилган, яъни фортификация қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бугунги куннинг муҳим талабидир. Негаки, бойитилган ун ва ун маҳсулотлари ҳамда йодланган ош тузи инсон организмини қувватлантириш, кўплаб касалликларнинг олдини олиш хусусиятига эга.

Айтиш жоизки, бугун Оролбўйидаги ун ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар фаолиятида ана шу жиҳатлар устувор мезон ҳисобланади. Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида улар томонидан тайёрланган 53 минг 803 тоннадан зиёд уннинг 52 минг 497 тоннадан ортиқроғи фортификация қилингани, бошқача айтганда, бойитилгани сўзимиз тасдиғидир. Маълумотларга кўра, ана шу жараён учун қарийб 7300 килограмм фортификант моддаси сарф этилган.

— Меъёр бўйича 1 тонна унга 120 грамм фортификант қўшилади, — дейди “Тахиатошдон” очиқ акциядорлик жамияти лаборатория бошлиғи Фарҳод Бобоев. — Буни доимий равишда назорат қилиб борамиз. Жорий йилнинг ўтган даврида жамоамиз томонидан 2676 тоннадан ортиқ бойитилган ун ишлаб чиқарилиб, аҳолига етказиб берилди.

Бинобарин, бугун Оролбўйида йодланган ош тузи ишлаб чиқарувчи 13 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан шу йилнинг 8 ойида 529 тонна йодланган ош тузи ишлаб чиқарилиб, 402 тоннаси истеъмолчиларга етказиб берилган.

Албатта, назорат — сифат ва самарадорлик омили. Шу боис тегишли мутасаддилар томонидан юқорида номи тилга олинган “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги ҳамда “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги қонунлар ижроси мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйган тадбиркорлик субъектларига нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилаётир. Хусусан, Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари томонидан жорий йилнинг 8 ойи давомида минтақада 933 та йодланган ош тузи намунаси текширилиб, 569 та намуна талабга жавоб бермаслиги аниқланди. Жумладан, 47 та намунада йод элементи йўқлиги, 522 намунада эса ушбу элемент меъёридан камлиги маълум бўлди. Натижада 165 тонна ош тузи савдодан олиниб, ишлаб чиқариш корхоналарига қайтарилди. Айни пайтда бундай тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Мухтасар айтганда, бойитилган ун ва йодланган ош тузи — саломатлик гарови. Шундай экан, бундай маҳсулотларнинг дастурхонимизда ҳамиша муҳайё бўлишини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Изланиш

Марғилон шаҳридаги “Bars international compani” масъулияти чекланган жамияти ёрлиғи туширилган сифатли ва бежирим гиламлар нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

Марғилон гиламлари — экспортга

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида корхона жамоаси томонидан 7 минг квадрат метр ҳажмда маҳсулот тайёрланиб, унинг 65 минг АҚШ долларилик қисми экспортга йўналтирилди. Ҳозир бу ерда 300 нафардан зиёд ишчи-мутахассис меҳнат қилмоқда. Уларнинг 40 нафари жорий йилда касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 841,6 ▼ -12,0 | УН биринчи нав 639,2 ▼ -5,1 | УН иккинчи нав 584,0 ▼ -6,5 | ПАХТА ЁҒИ 1932,4 ▼ -50,7 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 213,1 ▼ - 0,3

ЖАҲОН 24 соат ичида

Зарар кўриши кутилмоқда

Кўнгилочар ўйин қурилмалари ишлаб чиқарувчи “Nintendo” (Япония) компанияси жорий ҳисобот йилини катта миқдордаги зарар билан якунлаши мумкин.

Таҳлилчиларнинг хулосасига кўра, корхона бу даврда тахминан 264 миллион АҚШ доллари миқдорида зиён кўради. Бунга “Nintendo” томонидан ишлаб чиқарилаётган “3DS” қурилмаларининг савдоси юришмаётгани ҳамда Япония валютаси — иенанинг қиймати ошгани сабаб бўлмоқда. Ушбу корхона фаолиятида сўнгги ўттиз йил ичида бундай салбий ҳолат кузатилмаган эди.

Ёғли овқатдан сақланинг

Ёғли таомларни кўп истеъмол қилиш эркакларда бепуштлик касалини юзага келтиради.

Гарвард университети олимлари томонидан олиб борилган кузатишлар якунида шундай хулосага келинди. Аниқланишича, бепуштликдан шикоят қилиб, шифокорларга мурожаат этган эркакларнинг аксарияти ўсмирлик чоғларидан ёғли таомларни ҳаддан зиёд ортиқча истеъмол қилишга одатланишган.

Уй олганга имтиёз бор

АҚШ Сенати янги қонун лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Унга кўра, ушбу мамлакатдан камида 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги тураржой ва хусусий мулк сотиб олган хориж фуқароларига уч йиллик бепул виза тақдим этилади.

Тураржой харид қилганлар АҚШда йилига камида 180 кун яшаши ва солиқларни ҳам тўлаши шарт.

Экспертларнинг изоҳлашича, ушбу лойиҳа хусусий мулк бозорини барқарорлаштириш мақсадида татбиқ этилмоқда.

Чунки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли оғир зарбага учраган АҚШ тураржой ва хусусий мулк бозори деярли таназзулга юз тутган. Буни 2006 йилдан бери нархларнинг пасайиб бораётгани ҳам кўрсатиб турибди.

Поездда ичиш тақиқланди

Германиянинг Мюнхен шаҳри маъмурияти шу йилнинг декабрь ойидан электр поездларида йўловчиларнинг спиртли ичимлик истеъмол қилишини тақиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Шу пайтга қадар бундай чеклов шаҳар автобуслари, трамвай ва метрода жорий этилганди.

Ушбу ҳужжатга кўра, электричкада спиртли ичимлик билан қўлга тушганлар 40 еврогача жаримага тортилади.

Олдинроқ Германиянинг Гамбург шаҳри раҳбарияти ана шундай қарор қабул қилганди.

Энг кўп тарқалаётган эпидемия

Ҳозир дунёда энг кўп тарқалаётган эпидемия семириш экан.

Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълум қилди. Мутахассисларнинг тахминига кўра, яна тўрт йилдан сўнг Ер юзида яшаётган 2,3 миллиард киши ортиқча вазн билан боғлиқ касалликлардан азият чекиши мумкин.

Таққосланишича, ўтган асрнинг 80-йилларига нисбатан айни пайтга келиб, сайёрамизда истиқомат қилаётган семиз одамлар миқдори икки баробарга кўпайган. Бунга уларнинг аксарияти, асосан, “фест-фут” (тез тайёрланувчи) таомларни ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилаётгани сабаб бўлмоқда. Шу боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбари Маргарет Чань давлатлар ҳукуматларини аҳолининг бундай озиқ-овқат маҳсулотларини камроқ истеъмол қилиши юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришга чақирган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш юртдошларимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Шу боис бугун қай бир соҳада бўлмасин, янги иш ўринлари яратиш ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Айтиш жоизки, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан мамлакатимизда бу йўналишдаги ислоҳотлар кўлами янада кенгайди. Тадбиркорлик субъектларининг саъй-ҳаракати натижасида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши баробарида, яна кўплаб фуқароларимиз учун доимий даромад манбаи яратилди. Натижада минглаб, ўн минглаб хонадонлар рўзғорига барака кирди.

ФАРОВОНЛИК БАРАКАСИ

Бандлик

Сурхондарё вилоятида ҳам бу соҳада амалга оширилаётган ишлар қамрови кенг. Хусусан, вилоятда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ, жорий йилнинг тўққиз ойида 30 минг 930 та иш ўрни яратилди. Уларнинг асосий қисми касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳисобидан банд этилди.

Саноат корхоналарининг техник ҳамда технологик жиҳатдан янгиланиши ва модернизация қилиниши ҳам қўшимча иш ўринларини ташкил этишда муҳим асос бўлаётир. Масалан, Термиз шаҳридаги “Сурхон SILK Термиз” корхонаси ипакдан калава ип тайёрлашга ихтисослаштирилган. Хорижлик енгил саноатчилар бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий харидори ҳисобланади. Ҳозир корхонада меҳнат қилаётганлар сони 320 нафар. Уларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Эътиборлиси, “Сурхон SILK Термиз” Термиз туманидаги Янгиариқ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи билан шартнома имзолаган. Унга мувофиқ, билим маскани ўқувчилари мазкур корхонада амалиёт ўташади. Пировардида уларнинг кўпчилиги коллежни битириб, корхона меҳнат жамоаси сафидан жой олаётир.

Денов туманидаги “Сурхонозиқовқатсаноати” акциядорлик жамиятида амалга оширилган модернизация тадбирлари самараси ҳам юқори бўлди. Бу ерга Ҳиндистондан келтирилган лойиҳа қиймати 700 минг АҚШ долларилик замонавий технология воситалари ўрнатилгач, бир кеча-кундузда 70 тонна техник ёғни ҳидсизлантириш имконияти юзага келди. Ўз навбатида, янги қувватлар ўзлаштирилиши ҳисобига 30 та қўшимча иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, мазкур корхонада яна бир — кунига 500 литр сутни қайта ишлаш ҳамда печенье тайёрлаш лойиҳаси шарофати билан 30 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Эътиборлиси, вилоятда бу каби илғор ишлаб чиқариш субъектлари талайгина: айни кунда вилоятда фаолият кўрсатаётган 25 та йирик, 1063 та кичик саноат корхоналарида 8152 нафар киши иш билан банд.

Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгилашга киришиш, коллеж ўқувчиларининг амалиётини бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этиш, бошқача айтганда, уларнинг аниқ бир жойга бириктириб қўйилишини таъминлаш зарур эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, вилоятда ҳам тегишли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

— Жорий йилда вилоятимиздаги мавжуд 88 та касб-ҳунар коллежини 31750 нафар йигит-қиз тамомлади, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси мутахассиси Бахтиёр Искандаров. — Уларни қарийб барчасини ишга жойлаштириш чоралари кўрилди. Эътиборлиси, бугун бундай ёшлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали фаолият кўрсатиб келаяпти.

Ҳозирги кунда нафақат вилоят ҳамда туман марказлари, балки олис ва чекка қишлоқларга ҳам саноат жадал кириб бормоқда. Пировардида ушбу ҳудуддаги маҳаллий аҳоли турмуш даражаси тобора юксалиб бораётир.

— Корхонамиз Денов туманининг Оловуддин қишлоғида жойлашган, — дейди “Акбар” хусусий фирмаси раҳбари Абдували Алимов. — Технологияларимиз Хитойдан келтирилган, қиймати 180 миллион сўмлик. Улар ёрдамида тошни саралаб ва майдалаб, қурилиш учун зарур хом ашё тайёрлаяпмиз. Корхонамизга 30 нафар қишлоқ ёшларини ишга қабул қилганмиз. Блок ғиштлар тайёрлашни йўлга қўйсак, улар сони яна 20 нафарга кўпаяди.

Бандлик дастурининг Узун туманидаги ижроси ҳам эътирофга лойиқ. Туманда шу йилнинг ўтган 9 ойида 309 та иш ўрни яратилди. Жумладан, “Сурхонқурилишбутлаш” корхонасида полиэтилен қувурлар ва хўжалик моллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳисобига 40 нафар, “Узунихтисослаштирилган уй-жой қурилиш” хусусий корхонасида эса 60 киши иш билан таъминланди.

Айни кунда Сурхондарёда ушбу йўналишдаги ислоҳотлар ижроси изчил равишда давом эттирилмоқда. Бунинг самараси эса воҳа аҳлининг фаровон ҳаётида ўз ифодасини топаётгани қувонарлидир.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ТОКИОДАГИ ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Япониядаги “NHK” телерадио корпорациясининг етакчи ходими Казухи Имаджо ўзининг Ўзбекистон бўйлаб сафари чоғида орттирган таассуротларини ўртоқлашар экан, ўзбек халқининг меҳмондўстлигини ҳамда мамлакатимиз бениҳоя бой ва ўзига хос, бетакрор маданий меросга эга эканлигини қайд этди. Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистоннинг гўзал табиати ва ноёб меъморий ёдгорликлари, том маънода, хорижлик сайёҳлар ақлини шоширади.

Токио Бизнес коллежининг етакчи ўқитувчиси Марико Сакай “Ўзбекистон ва Япония халқларининг дўстлик ришталари ҳамда ўзаро савдо ва маданий алоқаларининг тарихи Буюк Ипак йўли даврларига бориб тақалишини” айтди. У ҳам кўргазманинг кўплаб меҳмонлари томонидан Ўзбекистон сайёҳлик имкониятларига катта қизиқиш билдирилганлигини алоҳида таъкидлади. “Юртингизда 4 мингдан зиёд тарихий-маданий ёдгорлик мавжудлиги ва бу осориатиқаларнинг аксарияти ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилганининг ўзиёқ Ўзбекистон сайёҳлик имкониятлари нақадар улкан эканлигидан яққол далолатдир”, деди у.

«Жаҳон» АА.
Токио

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 16 декабрдаги 10-1019/14722-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чортоқ кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 3350 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган профилактория бинолари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 148 264 651 сўм.

2. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан 2010 йил 15 сентябрдаги 26124-25-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-даҳа, 51-уй, 31-хонадонда жойлашган, умумий майдони 57,51 кв.м. бўлган икки хонали уй қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 66 487 623 сўм.

3. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2011 йил 4 январдаги 2405/11-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бинокор кўчаси, 45-уйда жойлашган, умумий майдони 63,45 кв.м. бўлган уй қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 353 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 30 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулклар билан суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефонлар: (8-371) 228-80-23, 228-84-48.

14508/773

Лицензия: № RR-0001.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Навоий вилояти филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Қизилтепа тумани суд ижрочилари бўлими Кармана туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2011 йил 29 сентябрдаги 1-5081/11-сонли ижро варақасига асосан, «Ҳамкор барака савдо сервис» МЧЖдан қарзи эвазига хатланган, Қизилтепа тумани, Баланд Ғардиён қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 3660,0 кв.м., ишчи майдони 1297,08 кв.м., умумий майдони 1333,67 кв.м., 27 хонадан иборат бўлган А, Б, В, Г, Д, Д1, Е, Е1 литерлардаги тўйхона биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 325 771 866 сўм.

2. Навоий шаҳар суд ижрочилари бўлими Кармана туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2011 йил 4 августдаги 4310-сонли ижро варақасига асосан, С. Эргашевадан «Италина» ИЧК қарзи эвазига хатланган, Навоий шаҳри, 2-даҳа санитар ҳимоялаш зонаси худудида жойлашган, умумий ер майдони 829,18 кв.м., ишчи майдони 761,43 кв.м., 16 хонадан иборат бўлган А, А1 литерлардаги «Шодлик» савдо дўкони биносининг бир қисми қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 280 000 000 сўм.

3. Нурота тумани суд ижрочилари бўлими Навоий вилояти хўжалик судининг 2011 йил 29 июлдаги 21-0602/6589-сонли ижро варақасига асосан, «Ал Араб Шерзод» хусусий фирмаси (собиқ «А. Баратов» МЧЖ) қарзи эвазига хатланган, Нурота шаҳри, С. Сиддиқов кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 1131,8 кв.м., ишчи майдони 1131,8 кв.м. бўлган А, Б, В, Г, Д, Е, Ё, Ж, З, И, Й, К, К1, Л, М, Н, О, П, Р, С, Т, У1, У2, Ф, Ҳ, Ч литерларда белгиланган маъмурий бино ва ишлаб чиқариш цехи бинолари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 317 680 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 29 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Талабгорлар диққатига! Мазкур мулклар 2011 йил 29 ноябрдаги савдода сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдоси 2011 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин тўхтатилади.

Ушбу мулклар билан шаҳар (туман) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукционда қатнашиш учун аризалар шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20200800504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий ш., П. Очилов к., 24-уй, Навоий вилояти Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.
Телефонлар: (8-436) 224-44-01, 224-15-61.

14528/773

Лицензия: № RR-0001.

● Реклама ва эълонлар ●

O‘ZSANOATQURILISHBANK

қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

Т/р	Омонат (депозит) номи	Муддати	Бошланғич бадал
Миллий валютадаги омонатлар			
1	"Талаб қилиб олгунча"	муддатсиз	Чекловсиз
2	“Мақсадли"	муддатсиз	Чекловсиз
3	"Болалар мақсадли омонати"	10 йил	Чекловсиз
4	"Фидойи”	1 йилдан кам бўлмаган	Чекловсиз
5	"Наврўз туҳфаси”	1 йилдан кам бўлмаган	Чекловсиз
6	"Коммунал хизматлари тўловига“	2 йил	Омонат миқдорини белгилаш коммунал тўлов миқдорига ва омонат фоизига боғлиқ
7	"Ғаройиб"	1 ой	Чекловсиз
8	"Кўклам”	2 ой	Чекловсиз
9	"Омад” буюм-ютуқли	18 ой	Чекловсиз
10	"Мадад-1"	3 ой	Чекловсиз
11	“Мадад-2"	4 ой	Чекловсиз
12	“Мадад-3"	6 ой	Чекловсиз
13	“Соврин-1"	15 ой	Чекловсиз
14	"Навқирон”	3 ой	Чекловсиз
15	"Камолот"	6 ой	Чекловсиз
16	"Ҳадя”	9 ой	Чекловсиз
17	"Фойда"	14 ой	Чекловсиз
18	“Мадад-4"	9 ой	Чекловсиз
19	“Баркамол-1"	3 ой	Чекловсиз
20	“Ривож”	3 ой	Чекловсиз
21	“Юксалиш”	30 ой	Чекловсиз
22	“Кўклам-1”	3 ой	Чекловсиз
23	“Тинчлик”	100 кун	Чекловсиз
24	“ЛИДЕР”	6 ой	Чекловсиз
25	“Ҳамкорлик”	12 ой	Чекловсиз
Хорижий валютадаги омонатлар			
1	"Талаб қилиб олгунча"	муддатсиз	Чекловсиз
2	“Муддатли"	1 йилдан кам бўлмаган	Чекловсиз
3	"Капитал"	6 ой	Чекловсиз
4	"Манфаат-2"	7 ой	Чекловсиз
5	“Соврин-2"	12 ой	Чекловсиз
6	"Истиқлол-2"	3 ой	Чекловсиз
7	"Мультивалютали”	18 ой	Чекловсиз

Омонатингизни бизда сақлаб, даромад олинг!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«Ўзсаноатқурилишбанк»да сақланувчи аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 120-45-24. www.uzpsb.uz

1443R/

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Илҳомжон Тўйчиевич Неъматовга волидаи муҳтарамаси

ЗУҲРАХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси таниқли тилшунос, филология фанлари доктори, профессор

Ренат ДОНИЁРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

“O`zbekiston” телерадиоканали ДУК жамоаси “Ахборот” информацион дастурлар бош муҳарририяти мухбир репортёри

Кимёхон ХЎЖАЕВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“O`zbekiston” телерадиоканали ДУК жамоаси “Ахборот” информацион дастурлар бош муҳарририяти масъул эфирга узатувчиси Маҳмуджон Ориповга синглиси

Лобархон ОРИПОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ОМИХТА ЕМ 325,3 ▼-12,0 | ШРОТ 309,3 ▲+11,0 | ШЕЛУХА 127,4 ▲+3,4 | ПОЛИЭТИЛЕН В-Y 460 4296,3 ▼-738,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 4618,6 ▼-263,9 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 4912,3 ▼-30,0 | МАЗУТ 351,6 ▲+10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 1801,3 ▼-25,4 | КЎМИР(бпк) 40,3 ▲+0,5

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИ — КЎРГАЗМАЛИ СУРАТЛАРДА

Мустақил Ватанимиз тараққиёт йўлининг ҳар бир йили асрларга татигулик. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси кундан-кунга ўзгариб чирой очаётгани, халқимиз ҳаёти, фаровонлиги юксалиб бораётгани — буларнинг барчаси мустақиллик мевасидир.

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Истиқлолимизнинг йигирма йиллиги нишонланаётган жорий йилда мамлакатимиз эришган улкан ютуқлар янада кенг эътироф этилаётир. Уларни халқимизга етказиш, жаҳонаро намойиш этиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Маънавият» нашриёти томонидан «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» мавзуида чоп этилган туркум плакатлар ана шу мақсадга хизмат қилади.

Уларда мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари, Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари, халқимиз ҳаётидаги юксалишлар, тўкинлик ва фаровонлик ёркин суратларда акс этган. Юртимизда яшаётган турли миллат вакиллари, ўсиб келаётган навқирон авлод, интеллектуал салоҳиятли, юксак маънавиятли ёшларнинг бахтиёр қиёфаси ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон эришган ютуқлар салмоғи факт ва рақамлар, қиёсий-таҳлилий маълумотларда янада ёркин намоён бўлади. Плакатлардан ўрин олган ана шундай далил ва рақамлар юртимиз мустақил тараққиёт йўлларини ўқувчи кўз олдида яна бир бор намоён этади ва уни мушоҳадага чорлайди. Шу азиз Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаш, мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш, тинч ва осойишта кунларимизнинг қадрига етишга ундайди.

«Жаҳон бизга тан бермоқда», «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Қишлоқ ободлиги — юрт ободлиги», «Иқтисодиётимиз локомотивлари», «Озод юрт тимсоллари», «Ёшлар — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи» каби мавзулардаги плакатлар барча таълим муассасалари ўқувчилари, кенг аҳоли қатлами онгу тафаккурини кенгайтириш, уларни мустақиллик ғоялари руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

(ЎзА).

Санъат

Тошкент Фотосуратлар уйида япон фоторассомларининг «Токиога 100 йил» деб номланган кўргазмаси очилди.

Кунчиқар юрт манзаралари

“Art Week Style.UZ — 2011” санъат ҳафталиги доирасида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Япония фотоиндустрия институти ва Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда қирқдан зиёд фотоижодкорларнинг Токио шаҳри тарихи, бугуни ва эртаси ҳақида ҳикоя қилувчи 360 та энг сара асарлари намойиш қилинмоқда. Кўргазмага Шотаро Акияма, Таро Дошо, Шинзо Ханабуса сингари машҳур фоторассомларнинг ижод намуналари ҳам қўйилганки, уларда Японияннинг ўзига хос табиати, иқлими, гўзал манзаралари ғоят моҳирлик билан акс эттирилган.

Кўргазма 25 ноябрга қадар давом этади.

Суннат АСТАНОВ.

● Реклама ва эълонлар ●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

2011 йил стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтига кириш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

07.00.09.	Тарихий манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари — 2 ўрин.
08.00.11.	Хорижий мамлакатлар иқтисоди — 3 ўрин.
10.01.06.	Осиё ва Африка халқлари адабиёти — 3 ўрин.
10.02.22.	Осиё, Африка халқлари, Америка ва Австралия туб халқлари тиллари — 4 ўрин.
23.00.04.	Халқаро тизимлар ва жаҳон тараққиётининг сиёсий муаммолари — 4 ўрин.

Ҳужжатлар 2011 йил 31 октябрдан 19 ноябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй, ТошДШИ биноси, 2-қават, 210-хона.

1449R/1500

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ҳафталиги ёшларимизнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришдек эзгу мақсадга хизмат қилганлигини таъкидлашди. Кувонарлиси шундаки, йилдан-йилга юксак обрў ва нуфузга эга бўлиб бораётган мазкур тадбир ижод аҳлининг орзиқиб кутадиган байрамига айланди. Зеро, бу галги ҳафталик тадбирларида Марказий Осиё ва

МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА ИЖОД БАЙРАМИ

МДҲ давлатлари, шунингдек, АҚШ, Аргентина, Буюк Британия, Германия, Греция, Голландия, Жанубий Корея, Италия, Испания, Исроил, Нидерландия, Франция, Япония, Саудия Арабистони, Хитой, Эрон каби мамлакатлардан машҳур санъаткорлар, мусаввирлар, модельер ҳамда дизайнерлар, йирик халқаро компаниялар вакиллари фаол қатнашдилар.

— Юртингизда ҳар йили олтин куз фаслида табиат гўзалликларига ҳамоҳанг мана шундай бетакрор санъат байрамининг ўтказилиши ҳавасимизни келтиради, — дейди Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Рассомлар уюшмаси раиси Максуд Фатхулин. — Ушбу нуфузли тадбир пойтахтингиз — Тошкент жаҳон маданияти маркази сифатида обрў-эътибор қозонаётганлигининг далилидир. Санъат ҳафталиги тадбирларида кўплаб санъаткорлар ижодий мулоқотга киришиб, ўзаро тажриба алмашишди, ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга муваффақ бўлишди. Бу эса нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон санъати ривожида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

— Ўзбекистонда мода ва дизайн санъатига ёшларнинг қизиқиши ниҳоятда баланд экан, — дейди Деан мода коллежи директори Ли Си Хун хоним (Жанубий Корея). — Уларнинг санъат ҳафталиги доирасидаги тадбирларда фаол иштирок этаётганликлари, ижодий баҳс-мунозараларда ҳақиқий дизайнер нуқтаи назари билан фикр билдиришларини кузатиб туриб, шундай хулосага келдим. Албатта, ёшларнинг замонавий санъатга хос билим ва тасаввури кенг эканлиги мамлакатингизда ушбу йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланадиган ўқув масканларида таълим жараёни намунали йўлга қўйилганлигидан далолатдир.

Маълумки, “Art Week Style.UZ”нинг мода йўналишидаги лойиҳалари “Ранглар, орзулар ва туйғулар ҳамоҳанглиги” шиори остида ўтказилди. Дефиле ҳамда фестивалларда намойиш этилган либослар рамзий ва фалсафий маънога эга эканлиги боис мода ихлосмандларида катта таассурот қолдирди. Масалан, ёш дизайнер Дилрабо Холиқова ҳафталикнинг ёркин чиқишларга бой тадбирлари ҳақида сўзлар экан, шундай дейди:

— Ноанъанавий услубда ишлаш ҳар бир ижодкорнинг орзусидир. Айниқса, замонавий мода талабларидан келиб чиққан ҳолда миллий либослар тикиш бирмунча мураккаб юмуш ҳисобланади. Ўзим ҳам хонатлас, адрас, олача, беқасам каби ипак матолардан либос ва аксессуарлар яратишга қизиқаман. Шу боис ижодий дунёқарашимни янада кенгайтириш, тажрибали мутахассисларнинг услубини ўрганиш мақсадида ҳафталикда иштирок этдим. Лондон ва Корея мода коллежлари ўқитувчиларининг фэйшн саноати менежменти мавзусидаги маҳорат сабоқлари биз, ёшларга жуда ҳам манзур бўлди. Ҳафталикнинг энг рангин намойишларидан бири бўлган Миллий либослар фестивали эса дизайнерлар учун ҳақиқий илҳом манбаидир.

Бизнингча ҳам шундай. Зеро, санъат ва маданият байрами — “Art Week Style.UZ” ижод аҳлига бир олам завқу шавқ, қувонч, ҳаяжон ва унутилмас таассуротлар ҳадя этди. Эзгу орзулар тимсоли бўлмиш ушбу бетакрор санъат ҳафталиги кўплаб истеъдод соҳиблари учун беқиёс маънавий рағбат, мароқли учрашув ва воқеликларга бой анжуман бўлганлиги, шубҳасиз.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

БАРЧИНОЙЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Аёлларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш азалий қадриятларимиздан саналади. Бундай олижаноб муносабат, айниқса, истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида янада юксакларга кўтарилди. Хусусан, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, иқтидорларини рўёбга чиқариш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишлари қаторидан жой олди. Мана шундай ғамхўрликка жавобан бугун аёлларимиз ҳам турли соҳаларда ўз истеъдодларини намоён этиб, юқори натижаларга эришмоқда.

Аёллар спорти

Масалан, спорт соҳасини олайлик. Ўтган йиллар давомида хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасида кўлами ҳамда аҳамияти жиҳатидан жуда улкан ишлар бажарилди. Қад ростлаган муҳташам спорт мажмуаларида турли тўғараклар ташкил этилди, аёллар ўртасида мусобақалар, фестивалар ўтказиш анъанага айланди. Булардан кўзланган мақсад, аввало, аёлларимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларда спортга муҳаббат туйғуларини шакллантиришдир. Чунки соғлом онадан соғлом бола туғилади.

Бугунги кунда Наманган вилоятида спорт машғулотларига қатнаётганлар сони 610 минг кишига етди. Уларнинг 271 минг нафари хотин-қизлардир. Эътиборлиси, иқтидорли опа-сингилларимизнинг кўпчилиги дастлаб оддий ҳавас билан кичик майдонларга қадам қўйишган бўлса, эндиликда халқаро ареналарга ҳам чиқиб боришаяпти. Бунга вилоят спортчиларининг ўтган йил ёзида Сингапурда ўтказилган биринчи ўсмирлар Олимпиадасида сув полоси бўйича ғолибликни қўлга киритганини мисол қилиб келтириш мумкин. Сузиш усталари бўлган бу қизлар Хитойда ташкил этилган ўн олтинчи ёзги Осиё ўйинларида ҳам маҳорат кўрсатиб, бронза медалига сазовор бўлишди.

Вилоятда бадиий гимнастика ҳам тобора оммавийлашиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг бошида спортнинг мазкур тури билан шуғулланаётганлар сони уч минг кишини ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич 4097 нафарга етди. Жойларда машғулотлар самарадорлигини таъминлаш учун етарли шарт-шароитлар яратилиб, ёшлар маҳоратини оширишга энг тажрибали мураббийлар жалб этилаётганлиги бунда муҳим омил бўлмоқда. Аҳамиятлиси, бугунги кунда вилоятдаги барча умумтаълим мактаблари, аксарият болалар боғчаларида бадиий гимнастика гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган. Учта болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари эса спортнинг мазкур тури билан чуқурлаштирилган ҳолда шуғулланишаётир.

— Кейинги пайтларда Наманган шаҳридаги 2, 19, Тўрақўрғон туманидаги 36-болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мукаммал таъмирланиб, имкониятлари янада яхшиланди, — дейди вилоят бадиий гимнастика федерацияси масъул котиби Элла Вишнякова. — Ёшларимиз бунга жавобан ўз маҳоратларини ошириб, нуфузли турнирларда вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Масалан, май ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган “Биллур капалак” халқаро очиқ турнирида уч нафар спортчимиз иккинчи, яна уч нафари учинчи ўринни эгаллади. Улар орасида вилоят марказидаги 1-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Шоҳиста Рашидованинг ютуқлари, айниқса, эътиборли. Дарслардан бўш вақтларида 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида маҳоратини ошираётган бу қиз 15 ёшидаёқ спорт устаси тоифа талаб-меъёрларини бажарди. Ундан умидимиз катта.

— Бадиий гимнастика айни қизларбоп спорт, — дейди тўрақўрғонлик Шаҳризода Омонова. — У, энг аввало, кишининг қадди-қоматига расолик бағишлайди. Мактабимизда олиб борилаётган жисмоний етуклик машқларидан завқ оламиз. Бу ерга келганимда ёшгина қизалоқ эдим. Ҳозир анча маҳоратим ошиб қолди. Ўтган йили республика биринчилигида қатнашиб, чемпионликка эришдим.

Наманганлик хотин-қизлар ўртасида спортнинг волейбол, чим устида хоккей, стол тенниси сингари турлари ҳам оммалашмоқда. Ана шу йўналишлар бўйича мамлакат терма жамоасининг асоси айни вилоят вакилларидан ташкил этилаётганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Мисол учун, Янгиқўрғоннинг Исковот қишлоғи қизлари волейбол ошуфтаси. Спортнинг мазкур тури бўйича вилоят терма жамоасини ташкил этган бу қизлар тўрт йил аввал республика чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олганликлари кўпчиликнинг ёдида. Ўтган йил охирида эса Тошкентда ташкил этилган халқаро турнирда 9 та жамоа орасида иккинчи ўринни эгаллашди. Қишлоқдаги 26-умумтаълим мактаби негизида шаклланган ушбу жамоада ўйнаётган қизларга ўз келажагини белгилашда спорт муҳим омил вазифасини ўтаётгани диққатга сазовор. Айтайлик, бултур чемпионлик мақомига эришган уч қиз Наманган давлат университетига имтиёзли қабул қилинди.

Президентимизнинг “Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, айтиш керакки, вилоятнинг энг олис ҳудудларида ҳам аёллар спортини янада ривожлантириш истиқболини очди. Бугун жойларда 214 нафар хотин-қиз ушбу фаолият билан шуғулланмоқда. Бултур улар сафига Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг 14 нафар, НамДУнинг 8 нафар битирувчиси қўшилди.

Чим устида хоккей усталарини тарбиялаб етиштираётган “Учқўрғон ҳумо” спорт клубининг довруғини кўпчилик эшитган. Айни чоғда бу ерда юздан зиёд қизлар маҳоратларини оширишмоқда. Хоккейчи қизлар ўтган йил кузида ташкил этилган республика биринчилигида яна чемпион бўлдилар. Зилола Нишонова, Қундуз Раҳимова, Нурия Юсупова Таиланддаги халқаро беллашувда мамлакат терма жамоаси сафида ўйнаб, юртимиз спортчиларининг учинчи ўринни қўлга киритишларига муносиб ҳисса қўшишди.

— Спортнинг ушбу тури қизларимизнинг жону дили, бўш вақт топишдими, клубга шошилишади, — дейди клуб мураббийи Ситора Нишонова.

— Маҳоратли спортчи қизларимизга, улар меҳнатини рағбатлантиришга эътибор тобора кучаймоқда, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи Илҳомжон Мирзабоев. — Мисол учун, яқинда “Ёшлар маркази”да ташкил этилган тантанали маросимда улардан бир гуруҳи вилоят ҳокимлигининг махсус совғалари билан тақдирланди.

Спорт кишига соғлиқ, бардамлик, хуш кайфият бахш этади. Наманган вилоятида хотин-қизлар спортига берилаётган эътибор самараларида ушбу ҳаётий ҳақиқат яна бир карра ўз исботини топмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сирдарё минтақавий филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2011 йил 15 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб Гулистон шаҳри «Бизнес-марказ» биносининг мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаменти Сирдарё вилояти худудий бошқармаси Сирдарё тумани суд ижрочилари бўлимлари томонидан қуйидаги кўчмас мулк такроран савдога қўйилмоқда: жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2011 йил 26 апрелдаги 240 Ж/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат фойдасига мусодара қилинган, Сирдарё тумани, «М-39» «Тошкент — Термиз» автойўлининг 71 км.да жойлашган, умумий майдони 442,15 кв.м., 60 ўринли, яхши ҳолатдаги «Эдем» кафеси.

Бошланғич баҳоси — 156 700 790 сўм.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё минтақавий филиали «Асака» ДАТ (ОАЖ) банкининг Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20 208 000 904 920 609 006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефонлар: (8-367) 226-28-93, 226-38-91.

Лицензия: № RR-0001.

1455R/773

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулк қўйилмоқда:

2011 йил 29 июлдаги 20678/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-«А» уйда жойлашган, ДП СМУ-4 Межгорсвязстрой корхонасига тегишли бўлган, умумий ер майдони 123,0 кв.м.да жойлашган, майдони 81,0 кв.м.дан иборат дўкон қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 79 868 378 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 1 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.

Лицензия: № RR-0001.

1454R/773

ОБ-ҲАВО (29 октябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 2-7, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 2-7, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

Самарқанд, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Айрим жойларда вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 2-7, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи ҳудудларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 2-7, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 2-4, кундузи 9-11 даража илиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ярмарка

113 та йўлланма

Олтинкўл туманидаги “Олтин соҳил” маданият ва истироҳат боғида ташкиллаштирилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида 96 та ташкилот ва корхона ўзларидаги мавжуд иш ўринлари билан иштирок этди.

Якунда 113 нафар киши иш берувчи муассасалар билан шартнома имзолади.

Умуман, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида Бандлик дастури доирасида 80 марта шундай меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, 8955 нафар фуқаро доимий иш жойига эга бўлди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 370,5 ▲ +86,0	ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 236,3 ▼ -27,6	АРМАТУРА 3269,5 ▲+185,7	ШИФЕР (1 лист) 15262 ▼-397	АЗОТ. ФОСФОР. ЎҒИТИ 370,1 ▲ + 0,5	Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 49557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5